

АНДИЖОН ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Отабек Махаматжонович Норматов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори(PhD), доцент
otabeknormatov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада Андижон округининг маъмурий-худудий тузилиши, аҳолининг этник таркиби, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва уларнинг айрим жиҳатлари, чорвачилик соҳаси ва уларнинг умумий ҳолати, транспорт алоқалар тизими, округнинг саноатини ўзига хослиги, округда савдо-сотик муносабатлари ўзига хос равишда йўлга қўйилганлиги ва амалга оширилиш жараёнлари статистик маълумотлар ва турли бюллетен материалларидаги маълумотлар асосида ўзига хос равишда таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Районлаштириш, аҳолининг этник таркиби, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик соҳаси, статистик маълумотлар, қишлоқ советлари, савдо муносабатлари, транспорт алоқалар тизими.

SOME OPINIONS ON THE HISTORY OF THE ANDIJAN

ABSTRACT

The article analyzes in a peculiar way the administrative-territorial structure of the Andijan district, its ethnic composition, the agricultural sector and some of its features, the livestock industry and its general condition, the transport communication system, the distinctiveness of the district's industry, the specifics of establishing trade relations data and information of various bulletin materials.

Keywords: Zoning, ethnic composition of the population, agricultural industry, cattle breeding industry, statistical data, village councils, trade relations, transport links system.

КИРИШ

Ўрта Осиёда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, улар томонидан ўлканинг маъмурий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳаларини тартибга солиш учун ўтказилган чора-тадбирларидан бири районлаштириш сиёсатининг ўтказилишидир. Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишдан

сўнг ташкил этилган Фарғона водийси ўрнида, Республиканинг марказий районлаштириш комиссияси томонидан, Андижон, Қўқон ва Хўжанд округлари ташкил этиш режалаштирилди ва кейинчалик амалга оширилган. Андижон округининг маъмурий-худудий тузилиши, аҳолининг этник таркиби, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва уларнинг айрим жиҳатлари, чорвачилик соҳаси ва уларнинг умумий ҳолати, транспорт алоқалар тизими, округнинг саноатини ўзига хослиги, округда савдо-сотиқ муносабатлари ўзига хос равишда йўлга қўйилганлиги ва амалга оширилиш жараёнлари статистик маълумотлар ва турли бюллетен материалларидаги маълумотлар асосида ўрганилиши мавзу долзарблигини ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, мазкур мавзунинг тарихшунослиги унчалик бой эмас. Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишдан сўнг ташкил этилган Андижон округи тарихи мавзусига оид тарихий тадқиқотларни қуйидаги учта гуруҳ: совет даври, мустақиллик йиллари ҳамда хорижий тадқиқотларга бўлиш мумкин. Совет ҳокимияти йилларида давлат ва сиёсат арбоблари, тарихчилар томонидан яратилган айрим тадқиқотларда ҳам Андижон тарихи ва аҳолиси ҳақидаги фикрлар маълум маънода ўз аксини топган.

XX аср 20 – 30 - йилларида чоп этилган бошқа бир туркум адабиётларда Андижон округи тарихи ва хўжалик аҳволи тўғрисида сўз юритилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ССРнинг раҳбарлари, сиёсий арбобларнинг Андижон тарихи ва хўжалик аҳволи тўғрисидаги мақолалари ва нутқлари ҳам мавжуд. Бу мақола ва нутқларнинг муаллифлари таниқли давлат арбоблари Файзулла Хўжаев, Турор Рисқулов, Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоев, Ахмадбек Мавлонбеков ва бошқалар бўлган.

МУҲОКАМА

1925 йилнинг бошларида Марказ томонидан Ўзбекистон ССРда районлаштириш бўйича марказий ва вилоят комиссиялари тузилди. Марказий комиссияга раис А.Мавлонбеков бошчилигида Зелькина, М. Хўжаев, Ф. Хўжаев, Прохоров, Е. Конобоев, Горбунов, Шербаков ва бошқалар тайинланди. Бундан ташқари 7 та вилоят бўйича ҳам алоҳида комиссияларга раис ва аъзолар тайинланди. Районлаштириш комиссиясининг 1926 йил 29

сентябрдаги сўнгги йиғилишида қарор қабул қилиниб, республикадаги вилоятлар, уездлар ва волостлар бекор қилиниб, уларнинг ўрнида округлар, районлар (туманлар) ва қишлоқ советлари (шўролар) ташкил этилди. [1].

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгандан сўнг, Андижон уезди Ўзбекистон ССРнинг Фарғона области таркибига киритилди. Бундан ташқари Фарғона области таркибига Қўқон, Наманган, Фарғона уездлари ҳам киритилди[2]. 1926 йил ўрталарида яъни, Ўрта Осиёда районлаштириш ўтказилиши арафасида, Ўзбекистон ССРнинг районлаштириш комиссияси томонидан Фарғона областида 19та район (туман), 417та қишлоқ совети (шўролар) тузиш режалаштирилди[3]. Районлаштириш ўтказилгандан сўнг Хўжанд округи билан қўшиб ҳисоблаганда, 28та район, 565та қишлоқ совети тузилди[4].

Маълумотларга кўра, округда 866та аҳоли пунктлари (манзилгоҳ), хўжаликлари сони 130.420та бўлиб, округ аҳолиси умумий сони эса 724 397 нафар кишини ташкил этган. Аҳолининг 566 058 нафари қишлоқ, 158 339 нафари шаҳар аҳолиси ҳисобланган. Аҳолининг этник таркибини 72,6%ни ўзбеклар, қолган қисмини қирғизлар (7,9%), қипчоқлар (5,2%), уйғурлар (3%), қорақалпоқлар (1,8%), тожиклар (1,2%), руслар (1,1%), курама (0,4%) ва бошқа элат вакиллари ташкил этган. Округ бўйича аҳоли зичлиги 1 квадрат вёрстага 112 кишига тўғри келган. Демак маълумотлардан кўриниб турибдики, Андижон округи аҳолиси водийнинг бошқа худудларига нисбатан анчагина зич жойлашганлиги билан характерланади. Аҳолининг саводхонлик даражаси турли худудларда турлича бўлган. Районларда кўпроқ бошланғич таълим берувчи таълим муассасалари фаолият юритган бўлса, шаҳар марказларида эса ўрта ва олий билим юртлари ўз фаолиятларини амалга оширган[6].

НАТИЖАЛАР

Андижон округида қишлоқ хўжалиги соҳаси муҳим аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланган. Округнинг умумий экин майдонига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг умумий миқдори 216.368 десятина**ни ташкил этган бўлса, унинг атига 1%ини лалмикор ерлар ташкил этган. Кўриниб турибдики қишлоқ хўжалик ерларининг асосий қисми суғорма деҳқончиликка асосланган. Қишлоқ хўжалигида асосан пахтачилик, дуккакли экинлар ва донли экинлар етиштириш яхши йўлга қўйилган. Округнинг суғориладиган ерларида асосан қуйидаги экинлар: пахта (47,6 %), шоли (18,9 %), маккажўхори (10,3 %) ва буғдой (10,2

%) етиштирилган. Бундан ташқари, катта миқдорни ташкил этмасида, беда (2,8 %) ҳам етиштирилган[7].

Чорвачилик ҳам муҳим ва ўзига хос ўринга эга соҳалардан бири ҳисоблансада, лекин у округда ёрдамчи тармоқ ҳисобланган. Чорва молларидан асосан мавсумга қараб ишчи кучи сифатида фойдаланилган. Айниқса чорва моллари савдоси кузда, ҳосилни йиғиштириш пайтида авжида бўлган. Манбаларда кўрсатилишича, округ бўйича чорва молларининг умумий миқдори 207 192 бошни ташкил этган. Унинг 42 364 боши отлар, 98 371 боши йирик қорамоллар, 44 193 боши қўйлар ва 18 816 боши эса эчкилардан иборат бўлган[7].

Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари боғдорчилик, узумчилик ва ипакчилик каби соҳалар ҳам ўзига хос равишда ташкил этилган бўлиб, улар ҳам округда алоҳида ўринга эга тармоқ ҳисобланган.

Округ ҳудудида расмий маълумотларга кўра, 48 та бозор фаолият юритган бўлса, энг муҳимлари Наманган ва Андижонда жойлашган эди. Ана шу жиҳатдан ҳам округдаги савдо-сотиқ ишлари асосан икки қисмга ажратилган. Биринчиси Наманган, округнинг марказий ва шимоли-ғарбий қисмларини, Андижон эса округнинг қолган қисмларидаги аҳоли истеъмол эҳтиёжларини қондирувчи марказ ҳисобланган. Кучли иқтисодий марказий бозор Асака бозори ҳисобланган. Округда 111 та давлатга қарашли, 237 та тижорат ва 3843 та хусусий савдо шоҳобчалари фаолият кўрсатган. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шоҳобчаларининг пул айланмаси 46 504000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 33 628 000 рубли давлат шоҳобчаларига, 4 091 000 рубли тижорат шоҳобчалари ва 8 785 000 рубли хусусий шоҳобчалари ҳиссасига тўғри келган[6].

Андижон округида фақат олди-сотди фаолияти билан шуғулланувчи савдо шоҳобчаларидан ташқари 41та пахта сотиб олиш пункти ва турли маҳсулотларни қайта ишловчи 11та пунктлар ҳам мавжуд бўлиб, улар округнинг асосий манзилгоҳларида фаолият юритган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, Андижон округи пахта хом ашёсини етиштириш ва уни ишлаб чиқариш учун тайёрлаш бўйича Республикада 1-ўринда бўлган.

Андижон округининг саноатига эътибор берадиган бўлсак, у округда ўзига хос ўринга эга бўлган. Округда йирик саноат асосан пахтачиликка мослаштирилган. Манбаларга қараганда йирик саноат корхоналари округнинг

Андижон ва Наманган шаҳарларида жойлашган. Масалан, Андижонда битта механик устахона, битта ун заводи, битта ёғ-мой-совун заводи, битта пиво заводи, битта тери-ичакни қайта ишловчи завод, 2та пахта тозалаш заводи, битта босмахона, битта электростанция мавжуд бўлган бўлса, Наманганда 5та пахта тозалаш заводи ва 4та хусусий пахта тозалаш заводи, битта ёғ-мой-совун заводи, битта тери-ичакни қайта ишловчи завод ва биттадан босмахона, электростанция, ун заводи мавжуд бўлган[7].

Андижонда темир йўл фаолияти ҳам ўзига хос йўлга кўйилган эди. Округ худудларидан 2та темир йўл йўналиши ўтган бўлиб, биринчиси Қўқон округининг шимоли-шарқидан бошланиб, округ жануби-шарқи орқали Қирғизистонга йўналган. Иккинчи йўналиш ҳам Қўқон жануби-шарқидан бошланиб Андижон шаҳрида тугаган. Округ худудида 12та темир йўл станцияси бўлиб, улар қуйидагилар эди: Хонабод, Қорасув, Қўрғонтепа, Гурунчмозор, Андижон II, Андижон I, Асака, Ҳаққулбод, Тўқай, Пойтуғ, Учқўрғон ва Наманган[8]. Бундан ташқари округда марказий манзилларни ва аҳоли пунктларини бир-бири билан боғловчи авто-улов йўллари ҳам бўлиб, улар аҳоли ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқаларда муҳим роль ўйнаган.

Андижон шаҳри округнинг иқтисодий ва маданий жihatдан маркази саналган бўлса, географик нуқтаи назардан эса Наманган шаҳри округнинг марказида жойлашган. Марказни районлаштириш комиссияси томонидан округдаги 36та волост ва 226 қишлоқ совети ўрнига, 12та район ва 289 қишлоқ совети (162 таси ўзбеклар, 17таси қozoқлар, 16таси қирғизлар, 8таси тожиклар, 3таси уйғурлар, 1таси курама ва рус, қолган 80дан ортиғида турли миллат вакиллари яшайдиган қишлоқ советлари) тузиш режалаштирилди[7] ва амалга оширилди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, 1926 йилда Марказнинг районлаштириш комиссияси томонидан Ўрта Осиёда ўтказилган маъмурий-иқтисодий районлаштириш натижасида Ўзбекистон ССРдаги маъмурий-худудий бирликларни номлари, чегаралари ўзгартирилди. Жумладан вилоятлар, уездлар, волостлар ўрнига округлар ва районлар (туманлар) ташкил қилинди.[9] Қишлоқ советлари сони эса кўпайтирилди.

Ўрта Осиёда амалга оширилган маъмурий-иқтисодий районлаштириш Андижонда ўзига хос равишда амалга оширилган. Ушбу мақолада

районлаштириш даврларида Андижон округининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларнинг умумий ҳолатига қисман эътибор берган бўлсада, таҳлиллар шуни кўрсатадики, Андижон ҳудуди Ўзбекистон тарихида ўзига хос маданий, иқтисодий марказлардан бири бўлганлигини таъкидлаш мумкин.

REFERENCES:

1. Normatov O.M. Fergana Valley during the Zoning Policy of Soviet Government. International Journal of Innovative Research in Science, Engineering and Technology (IJIRSET), Volume 9, Issue 6, 2020. - Pp. 5047-5050.
2. Список населённых мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Выпуск III. Ферганская область. – Самарканд: Изд. ЦСУ УзССР, 1925.
3. Ўзбекистон МА(миллий архиви), 86-фонд, 1-рўйхат, 3404-иш, 19-варақ.
4. Ўзбекистон МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3404-иш, 60-62-варақ.
5. Ўзбекистон МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3402-иш, 341-342-варақлар.
6. Ўзбекистон МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3401-иш, 4-8-варақлар.
7. Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. – Самарканд: Изд. ЦК Р Уз, 1926.
8. Хакимов М.Х. Развитие национальной советской государственности в Узбекистане в период перехода к социализму. Основные проблемы. – Ташкент: “Наука”, 1965
9. Норматов О.М. Туркистон Республикасида районлаштириш сиёсати ўтказилиши // Ўтмишга назар. – Т. 2020 й. 2- МАХСУС СОН – Б. 261-267.
10. Архипов Н.Б. Средне-Азиатские Республики. Издание третье. – Москва – Ленинград: Государственное издательство, 1930. – С. 155.
11. Normatov O.M. Some Features of Regional Policy in Turkestan // International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD), e-ISSN: 2456-6470, 2021. –Pp.53-55.
12. Сельской население Ферганской области по материалам переписи 1917 г. Выпуск IV-й. – Ташкент: Изд. ЦСУ Туркеспублики, 1924.
13. Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926 хоз. год. С приложением схематической карты Средней Азии. – Ташкент: Изд. Средне – Азиатского отделения Российско – Восточной торговой палаты, 1926. – С. 90.

14. Норматов О.М. ХЎЖАНД ОКРУГИ – ТАРИХ САҲИФАЛАРИДА. Актуальные научные исследования в современном мире. Журнал. ВЫПУСК 3(71) Часть 5 Март 2021 г. ISSN 2524 - 0986 (Переяслав, Украина), – С. 127-130
15. Список населённых пунктов Узбекской ССР 1928 года. Часть V. Округ Ташкент. – Ташкент: 1929. – 18 с.
16. Норматов О.М. Қишлоқ хўжалик ва савдо-сотиқ муносабатлари тарихидан (Фарғона водийси мисолида) // Имом Бухорий сабоқлари. – Самарқанд, 2020 й. №2. –Б.46-48.
17. О районирование // “Правда Востока”, 18 октября 1926 г.
18. Отабек Махаматджанович Норматов.(2020) . ХОРЕЗМСКИЙ ОКРУГ В ПЕРИОД ПОЛИТИКИ РАЙОНИРОВАНИЯ В СРЕДНЕЙ АЗИИ. Актуальные научные исследования в современном мире.(2)5.84
19. Отабек Махаматджанович Норматов (2020). ПОЛИТИКА СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ ПО АДМИНИСТРАТИВНО-ЭКОНОМИЧЕСКОМУ РАЙОНИРОВАНИЮ УЗБЕКИСТАНА (НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ) . Современное состояние и пути развития. 5(13)174-177
20. Отабек Махаматджанович Норматов (2019) Рассуждения об истории районирования Кашкадарьинского округа. Актуальные проблемы науки и образования в современном ВУЗе. 297-302

* **Бир десятина** - 1,03 гектарга тенг узунлик ўлчов бирлиги.

*** **Бир вёрста** - 1,0668 км га тенг рус узунлик ўлчов бирлиги.